

## ХАВФЛИ ИЛЛАТЛАРДАН БИРИ

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда, бундай жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида қатор ишларнинг амалга оширилишига қарамасдан бу иллатни ўзига касб қилиб олган фуқаролар учраб турибди.

3 бет

## КОКИЛОНЛИК ФИРИБГАР

Қувасойлик боғбонлар орасида донғи чиқиб, фириби ўтмай қолгач, у бошқа ҳудудларга "гастро́л"га чиқади. Миллий хавфсизлик хизматида ишлайман, дея таниш-нотаниш кишиларнинг муаммоларини ҳал қилиб беришга ишontiриб, «хизмати»ни таклиф қилишни касб қилади.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Ўшқид



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 15-yanvar, №2 (939)

Бош прокуратурада

## Юксак ишонч ва эътибор

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини қўриқлашга қодир, замонавий ҳарбий техника билан таъминланган, профессионал армия вужудга келди.



Ана шу соҳа ходимларининг улуг байрами — Ватан химоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил тоғанининг йигирма уч йиллик қутлуг санаси халқимиз томонидан кенг нишонланмоқда.

Айтиш мумкинки, ушбу қутлуг айём нафақат ҳарбий касб эгаларининг, балки бутун халқимизнинг, шу муқаддас юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг сеvimли байрамларидан бирига айланган.

Ушбу санага бағишланган байрам тадбирлари республикамизнинг барча ҳудудлари ва гўшаларидаги муассаса, ташкилот ва корхоналарда кўтаринки кайфият билан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Президент девони масъул ходимлари, прокуратура ходимлари ҳамда фахрийлари, Ҳарбий прокуратура ходимлари иштирокида Қуролли Кучларимизнинг 23 йиллиги ва Ватан химоячилари кунига бағишланган кенгайтирилган тантанали маросим ўтказилди. Маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидjon Қодиров кириш сўзи билан очар экан, тарихан қисқа давр ичида прокуратура органлари мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиб кела-

ётганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини химоя қилишда прокуратура ходимларининг фидокорона меҳнатлари муҳтарам Президентимиз ва давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинаётгани, тизимда ана шундай фидоий инсонлар борлигини фахр билан эътироф этди.

Бугун ана шундай ходимлар Президентимизнинг 2015 йил 12 январдаги "Ватан химоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилган органлари, мудофаа ва факуллода вазиятлар вазирилари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғ-

рисида"ги Фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси Саидбобид Жўраев ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими бошлиғи Отабек Холбоев "Шухрат" медали билан тақдирландилар. Шунингдек, байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғига биноан бир гуруҳ прокуратура ходимлари рағбатлантирилди.

Тантанали тадбирда давлатимиз томонидан тақдирланган ходимлар сўзга чиқиб, Президентимиз ва давлатимиз томонидан берилган оқсак мукофотлар барча прокуратура

Аҳмаджон Тўхтасинов,  
Бош прокуратура бошқарма  
прокурори

органлари ходимларига кўрсатилаётган ишонч, эътибор ва гамхўрлик намунаси эканлигини таъкидлаб, келгусида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини химоя қилиш, мустақиллигимизни асраб-авайлаш йўлида фидокорона хизмат қилишга, Ватанимиз равнақи ва ривожига муносиб ҳиссаларини қўшишга ваъда бердилар.

Парламентда

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди

Тошкент шаҳрида 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Парламент қўйи палатасининг биринчи мажлисини қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг раисси М.Абдусаломов очди.



Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Йўғилишда мамлакатимиз ҳукумати аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Депутатлар мажлисининг кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов ақунлари тўғрисида ахборот берди. Бунда Ўзбекистонда пар-

ламент сайлови сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитларда, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида, қонун ҳужжатларининг талабларига, умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказилганлиги алоҳида таъкидланди.

Қонунчилик палатасига сиёсий партиялардан ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг таъсис йўғилишлари бўлиб ўтиб, мазкур йўғилишларда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ де-

мократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи шакллантирилди, уларнинг раҳбарлари сайланди. Мажлис чоғида палата аъзолари сиёсий партиялар фракцияларини ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг таклифига кўра қўйи палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгашини тузди. Оқсоқолар кенгашининг таклифига биноан депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нуриддинjon Исмоилови Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари лавозимларига партиялар фракцияси раҳбарлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи раҳбарини сайлади. Шу билан бирга, депутатлар парламент қўйи палатаси кўмиталари раисларини ҳам сайлади.

Кўриб чиқилган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

# Ҳаддини билмаган қоқилади

**Бу йилги даромад кейинги йилга замин бўлиши, миришкор деҳқонларимизнинг барчасига аён. Шу маънода, пахтакорларимиз йил бўйи заҳмат чекиб этиштирилган ҳосилни сўнгги толасига-ча қоладирмай, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай йигиб-териб олади.**

Аммо, беш қўл баробар бўлмаганидек, инсонлар ҳам бир хил феъл-атворда эмас. Биров пок ва ҳалоллик билан умргузаронлик қилса, яна бошқа биров ноқонуний йўл ортдан пул топишга ҳаракат қилади.

Мингбулоқ туманидаги

"Кўконлик Достон" фермер хўжалиги раҳбари Даврон Жўраевнинг фаолиятига назар ташланса, у фермерлик баҳона шахсий манфаат кўриш, чўнтагини қаппайтириш билан шугулланганига гувоҳ бўлаемиз.

Д. Жўраев 2012 йилда "Кўконлик Достон" фермер хўжалиги ташкил этгач, дастлабки икки йил бинотидек фаолият олиб борди. Бироқ 2014 йилнинг бошида "Гулбоғ пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти билан 2014 йил пахта ҳосили учун 94,9 гектар майдонга чигит экиб, жами 105,1 тонна пахта хомашеси etkазиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузгач, бирдан "феъли айниди". "Шунча ерим бор. Бир чеккасига шоли эксам-чи?", деган

хаёл вужудини қамраб олади.

Қайд этиш жоизки, соҳага оид қонун ҳужжатларида фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, уларнинг хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳадея, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиланчи ижарага берилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, белгиланган мақсадда, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш, тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда etkазиб берилишини таъминлаш каби талабларга риоя этиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Қолаверса, "Гулбоғ пахта то-

залаш" ХЖ билан тузилган шартномада ҳам шу каби талаблар мавжуд эди. Бироқ Д. Жўраев буни писанд қилмади. Аксинча, чигит экилиши лозим бўлган 27,3 гектар майдонга ўзбилармонлик билан шоли сегди, полиз экинлари экди. Натихада, 28 млн. 122 минг сўмлик пахта этиштириш имконияти бой берилиб, давлат манфаатларига жиддий зиён etkазилди.

Бу ҳам етмагандек, у мансаб сохтакорлигига йўл қўйиб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритди. Яъни аслида чигит экилиши лозим бўлган, бироқ шоли ва полиз экинлари экилган 27,3 гектар майдон учун "Агробанк"нинг Жомашуй филиалидан ажратилган имтиёзли кредит маблағини бошқа мақсадларга ишлатиб юбора-

**Бахтиёр МАМАДАЛИЕВ,**  
Наманган вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

ди. Ушбу пуллар тўлиқ сарфлангани ҳақидаги ҳужжатларга ҳам сохта маълумотлар киритишдан орланмади.

Афтидан, у "бу қилмишимдан биров хабар топмайди", деган хом хаёлга берилган, шекилли. Аммо бундай бўлмади, унинг жиноий ҳаракати фош бўлиб, тегишли жазосини олди.

Бироқ кенг жамоатчиликка ушбу ҳолатни баён қилишимиздан яна бир мудоаомиз бор. Зеро, "...бирни кўриб фикр қил", деган гап борки, шояд орамизда учрайдиган айрим беэтибор, совуққон кишиларга бу бир сабоқ бўлса!

**Ҳеч бир фарзанд онадан ўғри бўлиб туғилмайди. Боланинг қандай инсон бўлиб улғайиши унга гўдакчилигида бериладиган тарбияга боғлиқ. Айтишларича, ота-онани фарзандга қоладиган энг катта мерос яхши тарбия экан. Шундай ота-оналар борки, "фарзаним бекаму кўст яхсин", деб ўзларини ўтга-чўққа уришади. Болалари яхши яшаши учун фақат бойлик керак, деб ўйлашади. Бу бойлик оқилона сарфланса, ўзига ҳам бошқаларга ҳам фойда келтирса-ку яхши. Бироқ, ота-она бир умр йиққан сармоёга меросхўр бўлиб, уни бир зумда ҳавога совурганлар ҳам йўқ эмас.**

## Ҳаммаси тарбияга боғлиқ

**Шавкат ТУРДИБЕКОВ,**

Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Кяхрамониимиз Шерзод ҳам ана шундайлардан бири бўлиб чиқди. Тошкент вилоятининг Бекобод туманида туғилиб ўсган бу йигит бирор қасб-хўнарининг этагини тутмади. Оила куриб, фарзандли бўлди. Афсуски, шу жажжи кўргон ҳам вақти келиб пароканда бўлди. Кетма-кет бир неча марта судланди, тегишли жазосини олди. Аммо бу ҳам унинг тўғри йўлни танлаб олишига туртки бўлмади.

Бу сафар у яна жиноятга қўл урди. Энг ёмони, вояга етмаган йигитчалар Достон билан Ҳаётни ҳам ўзига шерик қилиб олди. Улар биргалликда Жиззах шаҳридаги Б.Уролованинг уйини тунашни мақсад қилишди.

"Иккаланг атрофни кузатиб тур, биров кўринса, хабар беринглар", деб шерикларини пойлоқчи қилиб қолдирган Шерзод уйнинг орқа эшигини бузиб, ичкарига кирди. Ётоқхонадаги шкафдан 250 минг сўм пул, тошойна ёнидан эса "Sony" русумли фотоаппаратни олди. Тортмаларнинг биридан умумий баҳоси 23 млн. сўмлик тилла тақинчоқларни олгач, уйни тарк этди. Тошкентга келиб, қўлга киритилган нарсаларни Юнусобод ва Қўйлик бозорларида арзон-гарон пулдади. Қўлга тушган пулни эса ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборди.

Орадан бир муддат ўтгач, Достонни олиб яна Жиззах шаҳрига келди. Бу гал у "Маданият" маҳалласида яшовчи У.Қалқоновнинг уйини нишонга олди.

Бу сафар Шерзод девор ошиб, ҳовлига кирди. "Ови бароридан келиб", бу ердан 7 млн. сўмлик тилла тақинчоқлар ва 200 минг сўм пул олиб чиқди. Тақинчоқларни сотиб, ялло қилиб юраверди. Достонга ҳам бундай осон йўл билан келаётган мўмай даромад ёқиб тушди. "Устози" йўқлаши билан, ҳозир нозир бўлди.

Келаси сафар улар яна Жиззахга йўл олишди. "Қассоблик" маҳалласида жойлашган Б.Луқмонованинг вақтинча яшаётган уйига келишди. Эшикни бузиб, ичкарига киришди ва хонадондан 600 минг сўмлик фотоаппарат ва флешка олиб чиқди. Омадлари келгани боис, шу кун яна бир ўғрилиқни режалаштириб олишди. Пойлоқчиликка Ҳаётни чақирди. Достон иккаласи шу маҳалладаги Раёно Маҳмудованинг уйига девордан ошиб киришди. Хоналарни кўздан кеириб чиқаётиб, сейфага қўзлари тушди. Уни очишга киришган эдилар, Шерзоднинг телефони сигнал берди.

— Нима гап? — деди Шерзод пойлоқчи Ҳаётга.

— Афтидан хонадон эгаси келди, ташқарида бир йигит турибди. Тезроқ қочинглар...

Ўғрилар қочишга улгуришмади, бири диван тагига, бири шкаф ортига яширинган бўлди. Хонадон эгаси уйга кираётиб, ичкарида кимдир борлигини сезиб қолди-ю, ички ишлар бўлимига хабар қилди. Ўғрилар эса вақтни ганимат билди, қочиб қолишди. Бироқ, улар узоққа кетишолмади. Узганинг мулгига қўз олайтирган, уларнинг тинчини бузганлар тез орада қўлга олинди. Шерзод Иркабоев 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Вояга етмаган Достон ва Ҳаёт ҳам қилмишларига яраша жазоландилар.


**Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларининг, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.**

Фуқаро ва ташкилотлар тегишли шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Бундай фуқаролик ишларининг судларда ва бошқа идораларда тўғри ва ўз вақтида қўрилиши, ҳал қилинишини таъминлашда фуқаролик ҳуқуқий меъёрларнинг тўғри татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳал қилув қарорини ижро қилиш босқичида агар тарафлар суднинг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда бажармасалар, қарор суд ижросини томонидан мажбурий тартибда ижро этилади.

Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратас. Шўрчи туманидаги "Ободон" сув истеъмолчилари уюмасининг 2007 йил 4 январдаги тегишли буйруғи билан Холмаҳмад Ибрагимов ми-

## Ўзбошимчалик



**Шербек ИСАНОВ,**  
Шўрчи туман прокурори

роб вазифасидан озод этилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2014 йил 24 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, "Ободон" сув истеъмолчилари уюмасининг 2007 йил 4 январдаги тегишли буйруғи гайриқонуний деб топилиб, бекор қилинади. Ўз ўрнида фуқаро Холмаҳмад Ибрагимовнинг мирос вазифасига ишга тикланиши белгиланади.

Сўнгра, ушбу ижро ҳужжати Шўрчи тумани суд ижрочилигининг иш юритувига олиниб, ижро иши юритишни кўзғатиши ҳақида қарор қабул қилиниб, "Ободон" СИУ бошлиғига тақдим этилган.

Бироқ, "Ободон" СИУ бошлиғи Ж.Соатов ижро ҳужжати талабини бажармаганлиги сабабли Шўрчи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТК-

нинг 198-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга, "Ободон" СИУ бошлиғи суд ҳужжатини ижро қилмаган тақдирда, унга нисбатан жиноят иши кўзғатилиши мумкинлиги ҳақида оголантирилади. Аммо ўз билганидан қолмаган бошлиқ бу масалага панжа орасидан қараб, мансабини суиистеъмол қилиб ходимни ишга қайтармади.

Мақзур ҳолат бўйича Шўрчи туман прокуратураси томонидан уюшма бошлиғи Ж.Соатовга нисбатан жиноят иши кўзғатилиши ва лавозимидан четлаштирилиб, жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Шу тариқа қўл остидаги ходимларини нозир-писанд қилмаган ўзбошимча бошлиқнинг иш фаолияти яқун топқини.

## Ноқонуний ишга чек қўйилди

**Мурат АРЗИМБЕТОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори

**Жамиятимизда аёлларнинг ўрни беқиёс. Давлатимиз томонидан улар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар бисёр.**

**Ўтган давр мобайнида қабул қилинган қўлпа меъёрий ҳужжатлар ҳам бевоқиф аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг аксарияти халқаро ҳуқуқий мезонларга асосланади.**

Афсуски, давлатимиз томонидан яратилган кенг имкониятларни суиистеъмол қилиб, жиноят йўлига кириб қолган хотин-қизлар ҳам учраб турибди. Хусусан, ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шугулланувчилар орасида аёлларнинг

ҳам борлиги кишини ажаблантиради. Масалан, Тўртқўл туманида яшовчи М.Ҳажиева ва А.Атажановалар Тўртқўл савдо комплекси худудида 5 минг 521 АҚШ доллари, 28 минг 500 Россия рубли ва 6 минг Қозғоғистон тенгесини қонунга хилоф равишда олиб-сотиб билан шугулланаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушландилар.

Мақзур ҳолат юзасидан судланувчилар М.Ҳажиева ва А.Атажанова тегишли жазага тортилдилар.



# Хавфли иллатлардан бири

**XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тадбиркорлик, хусусий бизнесга кенг йўл очилди, хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди, юртимиз фуқароларининг хорижий мамлакатларга бемалол чиқишлари учун имконият ва етарли шарт-шароитлар яратилди.

Афсуски, айрим шахслар бундай шарт-шароит ва имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, фуқароларимизни турли айдов ва фирибгарлик йўли билан хорижга олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатида юртимиз фуқаролари ҳам одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Одам савдоси инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказди, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор қилади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, куллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур-

лаш каби қабих қилмишлар ётади.

Тахлиллар мамлакатимиз фуқароларини фоҳишалек билан шуғуллантириш учун асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика давлатларига, мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса Қозоғистон ва Россияга олиб чиқиб кетилганлигини кўрсатмоқда.

Афсус билан таъкидлаш кераки, дунёда одам савдоси бозори ва унга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу боис жиноий тузилмалар ушбу ноқонуний фаолиятини амалга ошириш учун халқаро жиноий уюшмалар ташкил этиш, давлат хизматчиларини ўзларига оғдириш пайдида бўладилар. Бу эса трансмиллий уюшган жиноятчилик, коррупция каби хавфли иллатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлади.

Одам савдоси билан шуғулланувчилар ўз кирдиқорларини яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланаётган шахсларни имкон қадар эътибордан четда ту-

тишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳолат эса ноқонуний миграция салмоғининг орттишига, муайян давлат ҳудудига ноқонуний кириб келганлар сонининг ортиб, иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатишига, шунингдек, хорижга чиқиш ва муайян давлат ҳудудига бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келади.

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида уларнинг шахсига оид ҳужжатларни ноқонуний ағаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиши, ҳимояси остида бўлган давлатнинг теглиши ваколатхоналарига мурожаат этишига тўқнаш қиладилар. Оқибатда бундай шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

Юртимизда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари, жумладан, ИИБ, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташкил ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ва ҳудудлардаги Идоралараро

комиссиялар томонидан мувофиқлаштирилиб борилиши назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, одам савдосига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича ишларнинг Миллий режаси, Одам савдосига қарши кураш бўйича идоралараро Республика комиссияси таркиби тасдиқланиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг ҳавфли қўриқчиларига қарши кураш тўғрисида 30 дан зиёд шартнома ва келишув имзоланди.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида республика миқёсида бундай жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида юқоридаги каби ишларнинг амалга оширилишига қарамадан бу иллатни ўзига касб қилиб олган фуқаролар учраб турибди. Масалан, Шахрихон туманида яшовчи Ботирали Алионов

**Хидир КАРИМОВ,**  
Бош прокуратура ички хавфсизлики таъминлаш инспекцияси бошлиғи

(исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам судланиб, тайинланган жазодан ўзига ҳулоса чиқармасдан, фуқаролар Анваржон Махмудов, Эгамжон Турсунов, Ашир Олимов, Файрат Полвоновларни алдаб, уларга Қозоғистон Республикаси, Туркистон шаҳридаги гишт заводида иш борилини айтиб, уларни яхши шароит ва иш ҳақи борлигига ишонтирган. Туркистон шаҳрида уларни қозоқ миллатига мансуб Тўражон исмили шахсга топширган. Уларни оғир шароитларда ишлатиб, А.Махмудовага 1 млн. 400 минг сўм, Э.Турсуновга 7 млн. 600 минг сўм ва Файрат Полвоновга 4 млн. 500 минг сўм иш ҳақларини бермаган. Б.Алионовнинг яна кўпгина ҳамшаҳарлари ҳам унинг алдовлари қурбони бўлишган.

Одам савдосини ўзига касб қилган бу одамфурушнинг кирдиқорлари фож этилиб, унга нисбатан суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Инсон шаъни, қадр-қиммати хурмат ва эъзозга лойиқ. Зеро, инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдида жавобгарлик муқаррардир.

# Суд мунозарасининг ўзига хос хусусиятлари

**Юртимизда осойишталик ва барқарорлиқни таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишида одам судловининг вазифаси катта.**

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ VI сессиясида: "Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятида асосий мазмунга айланди керак. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим", дея таъкидлаган. Одил судловнинг бош мақсади фақат қонунга амал қилган ҳолда фуқаролик ва ҳўжалик процессида бузилган ҳуқуқни тиклашга, жиноий ишларда эса айбисиз кишининг ноҳақ ҳукм қилинмаслигини ва жиноят қилган шахсга адолатли жазо берилишини таъминлашга қаратилган.

"Прокуратура тўғрисида"ги (янги тахрири) Қонунига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари жумласига судларда жиноят ишлари кўриб чиқишида давлат айбловини қувватлаш ҳам киритилган. Жиноят содир қилган шахснинг айбини суд мажлисида тасдиқлаш, унинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш, жиноят учун жазо муқаррарлиги ва содир қилинган жиноят учун жазо тури, меъёрини белгилашда давлат айбловчиси ҳам муҳим рол ўйнайди.

Суд процесси одатда икки қарама-қарши томоннинг ўзаро очикчасига тортишувидан иборат бўлиб, бунда прокурор ва жабрланувчи бир тараф, судланувчи ва ҳимоячи иккинчи тараф бўлиб туради. Шу тарихи судда тарафларнинг сўзга чиқиши билан мунозаранинг оғзаки шакли бўлиб, бунда судланувчи айбдорми, айбисизми, деган

муқобил саволга аниқлик киритиш зарурати асосий вазиятни белгиловчи етакчи мавзу бўлади. Шундай қилиб, бу ҳолат бутун далиллар билан исботланган тизими асосида ана шу масаланинг ечимига қаратилган бош омил бўлиб хизмат қилади.

Суд тарафларининг сўзга чиқишлари жиноят ишини судда кўриб чиқиш босқичидаги мустақил қисмлардан биридир. Судда жиноят ишини муҳокама қилишнинг ўзи жиноят ишларига нисбатан тайёрлов қисми, суд-тергов ишлари, судда тарафларнинг сўзга чиқиши, судланувчининг сўнгги сўзга ва чиқарилган ҳукм тўғрисидаги қарор қабул қилишдан иборат.

Суд тарафларининг сўзга чиқиши деб аталмиш умумий тушунча остида айбловчи томон — даъвогар фуқаро, жавобгар фуқаро ёки уларнинг вакилларининг, ҳимоячилар ва судланувчиларнинг нутқлари тушунилади. Одатда мунозараларда жабрланувчи ва унинг вакиллари ҳам иштирок этидилар. Мазлумки, суддаги тортишувларда қатнашувчи томонлар суд-тергов органлари тарафидан белгиланган доирада мунозараларга киришадилар. Бунда муҳокамага қўйиладиган масалалар қўрилаётган жиноят ишига тааллуқли ҳолатлар ва фактлар таҳлили етарли даражада чуқур текширилганлик нуктаи назаридан улар нутқиде батафсил ёритиб берилари. Шунингдек, бу ўринда ҳулосаларни асослаш учун зарур бўлган далил-исботлар мажмуи ҳам муқаммал ўрғаниб чиқилади.

Суд мунозараси мавжуд фактик материалнинг пухтароқ ва чуқурроқ таҳлил қилинишини, далил-исботлар тизимининг ҳам қатъийроқ ва жиддийроқ асосланишини, шунингдек, мавжуд

фактик материалдаги аҳамиятга молик ўринлар алоҳида таъкидлаб кўрсатилишини талаб қилади. Чунки томонларда ишонч ҳосил бўлиши ва мунозара қатнашчиларининг суд ҳайъатини ва йигилганларни ишонтира олиш маҳорати ана шу омилларга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Мунозара тухайли суд тортишувларида қатнашаётган иштирокчилар нутқининг таҳлилий жиҳатлари, нутқининг маълумот тарикасидаги аҳамиятининг кучайиши, шунингдек, сўзлаётган шахснинг нуктаи назари, мақсади кузатила боради. Шу боисдан ҳам судда тарафларнинг сўзга чиқиши бу ҳолисона ва бегараз, ҳаққоний баҳс-мунозара бўлиб, бунда айбловчилар ва ҳимоячилардан иборат бўлган қарама-қарши томон судьяларнинг сабр-тоқатини суистеъмол қилмаган ҳолда суд ахлоқий қоидалари доирасидан четта чиқмасдан ўз нуктаи назарини асос, далил ва исботлар асосида ифодалаш лозим.

Суд тортишуви инсон тақдирини адолатли ҳал қилиш, муҳокама қилинаётган ҳар бир иш замирида аллақандай мавжум бир суд ҳодисаси эмаслигини, балки шу иш ортида муайян инсон ва унинг тақдири турганини ҳар доим ёддан чиқармаслик зарур.

Судланувчи, аввало, ҳар қандай бошқа шахс каби ҳурмат қилиниши лозим бўлган одамдир. Шунинг учун ҳам суд-тергов ишлари жараёнида судланувчига нисбатан қўпол ва таҳқиромуз муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди. Суд жараёни, судда тарафларнинг сўзга чиқиши ва судда томонларнинг мунозара олиб бориш маданияти судда раислик қилувчига боғлиқ бўлади. Шу ўринда судья сўзга чиқувчиларнинг нут-

**Улугбек АХУНОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

қини оғир-вазминлик ва диққат билан тинглай олиши лозим.

Судья юксак нутқ маданиятига эга бўлиши, шунингдек, ундан ўз ишонч-эътиқоди, мулоҳазалари ва муносабатларини баён қилишда ўзининг саволлари, асослари ва фикрларини ниҳоятда саводли ва тушунарли тарзда ифода этиши талаб этилади.

Ҳимоячининг нутқи тингловчида ижобий таассурот қолдириши, жиноятнинг асл сабаблари устида бош қотиришга мажбур этиши лозим. Адвокатнинг нутқи эса процессуал қонун-қоидалар, ахлоқий меъёрларга жавоб бериши даркор.

Давлат айбловчисининг мақоми унинг намунали ҳулқ ва алоҳида нутқ маданияти соҳиби бўлишини тақозо этади. Прокурорнинг суд мажлисида тайёргарлик кўриши, давлат айбловини қувватлаш сифатини ошириши кўпгина омилларга боғлиқ. Бундай омиллардан бири прокурорнинг суд мажлисига тайёргарлик кўришидир. Жиноят иши ҳужжатларидан яхши хабардор бўлган ва суд муҳокамасига пухта тайёргарлик кўрган прокуроргина суд процессида юзга келадиган муаммоларни ҳал эта олади.

Давлат айбловчисининг суд мажлисида сусткашлик кўрсатишининг сабаби унинг жиноят иши материалларини яхши билмаслиги билан изоҳланади. Бу эса ўз навбатида унинг суд процессида ўзининг қонуний позицияси билан яққол ва дадил фикр билдириш имкониятини йўққа чиқаради.

[Давоми 6-бетда]

# Ислom дунёсининг буюк алломаси

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар шароитида бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маънавиятимизни юксалтириш, муқаддас динимиз ва урф-одатларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш борасида буюк аждоғларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Улар қаторида Мовароуннаҳр фикҳ мактаби тарихида алоҳида ўрин эгаллаган Бурҳониддин Марғинович ҳақида тўхталиб ўтишни жониз деб топдик.

Таъкидлаш лозимки, Шарқ Уйғониш даври шундай қомусий олимларни юзага қикардики, уларнинг жаҳон маданияти ва илму фанига қўшган ҳиссаси аҳли инсоният томонидан ханузгача ҳайрат билан эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг Тошкент Ислom университетининг очилиш маросимида билдирган фикрлари билан айтганда, "Ислom дунёсининг буюк алломаси, машҳур "Хидоя" асарининг муаллифи, XII аср бошида таваллуд топган улуг зот Бурҳониддин Марғинович ҳам шу замин фарзандидир. Бутун мусулмон дунёсида энг буюк саналими ушбу асарни ўрганиш, бугунги ҳаётимизга, миллий қонунчилик ривожига таъсири ва аҳамиятини ҳойига қўйиш, бунинг ўзи йиллар давомида кашфиёт этишига арзийдиган бир катта оламдир".

Буюк аллома Фарғона водийсининг Риштон қишлоғида туғилиб, Марғилон шаҳрида яшаганлиги учун у "Марғинович" номи билан шухрат қозонган. Кўпгина манбаларда унинг насаби ана шундай зикр қилинган. Айрим манбаларда кўра, у 1123 йилда таваллуд топган.

Бир қатор тадқиқотчилар томонидан Марғиновичини вафоти Самарқандда юз берганлиги эътироф этилган. Айрим манбаларда эса у Чингизхон хуруғи даврида Бухоро шаҳрига ўт қўйилган, аҳолини қатл этиш ҳарёида ҳаётдан кўз юмганлиги кўрсатилган.

Бурҳониддиннинг ёшлик чоғлариданоқ Курьони Каримни ёд олиб, ҳадисларни чуқур ўрганганлиги унинг келажак фаолиятига ўз ижобий таъсирини кўрсатган. Олим бутун умри давомида илм ўрганган ва Ислom оламининг буюк фақиҳи ва ҳуқуқшунос алломаси даражасига кўтарилган.

Ҳазрат Бурҳониддин Марғиновичи ва унинг авлодлари, хусусан, 3 нафар ўғиллари ўз сулоласининг аъёнлари ва асарлари билан Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг ривожланишига катта улуш қўшганлар.

Алломининг асарлари, айниқса, "Хидоя" (арабчадан "Тўғри йўлдан олиб бориш") шох асари ўша даврга хос бўлган кўплаб ҳуқуқий муаммоларни ечим беришга қаратилган. Шу билан фикҳ-Ислom ҳуқуқшунослиги соҳасига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Манбаларда ёзилишича, "Хидоя" соҳиб уни ўн уч йил мобайнида ёзган. Энг эътиборлиси шунки, бу мuddат ичида у бирор кун ҳам овқат емаган, доимо рўзадор бўлган.

Шуниси муҳимки, "Хидоя" китобини ёзишда аллома ўзига хос қайтарилмас услуб яратган. Унда ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб олимлар фикрлари ва уларга муаллифлар эътирозлари ёки қўйилишлари кўринишида берилиб, кейин улар орасидан энг маъқул ечимни танлаб олиш йўли билан тушунчаларга шарҳлар берилган.

Мутахассислар фикрига кўра, Марғиновичи ишлатган иборалар мўъжаз, яъни қисқа ва сермазмунлиги ҳамда соддалиги билан ажралиб туради. Тўрт жилдик "Хидоя" асари ҳуқуқий манба сифатида жами 57 та китоб, 165 та боб, 152 та фаслдан таркиб топганлиги диққатга сазовордир.

"Хидоя"нинг ҳар бир жилди турли муаммоларнинг ҳуқуқий ечимига бағишланган. Уларда амалий ибодатлар, никоҳ, талоқ, шерикчилик, олди-соти, пул муаммолари, қозиларнинг вазифалари, даъво, икром бўлиш, сулҳ, қарз бериш, совға, ижара, меросни тақсимлаш, жиноятлар ҳусусида, васият каби қатор масалалар ёритилган.

Ушбу асар, энг аввало, тарихий ёдгорлик сифатида инсоният учун жуда қимматлидир. Унинг кўлёма ва босма нусхалари дунёнинг кўпгина кутубхоналарида сақланаётганлиги бежиз эмас, албатта. Масалан, "Хидоя"нинг кўлёма ва босма нусхалари Англия, Германия, Туркия, Россия, Франция ва бошқа мамлакатлар кўлёма хазиналарида ҳам сақланмоқда.

Олимларнинг таъкидлашларича, Курьони Каримдан кейин Ислom ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири Имом ал-Бухорийнинг "Жомъус-сахих" асари бўлса, ундан кейин "Хидоя" энг кўп шарҳга эга бўлган китоблардан ҳисобланади.

Бурҳониддин Марғинович "Хидоя" асарини араб тилида ёзган. Бу асар бир неча тилларга таржима қилинган. Унинг арабчадан форс тилига таржима қилиниб, 1808 йилда чоп этилган нусхаси Тошкент Давлат шарқшунослик институтида сақланмоқда.

"Хидоя"нинг 1-жилди "Ўзбекистон" нашриётида илк бор 1994 йилда "Фикҳ шахобчалари ҳақида Хидоя" деган ном билан ўзбек тилида нашр этилди. Юридик фанлари доктори, профессор А.Саидовнинг таъкидлашича, "Улкан ва давлат-ҳуқуқий меросимизга оид ноёб китобларнинг ўзбек тилида чоп қилиниши биз учун жуда катта рамзий маънога эгадир".

"Хидоя"нинг "Никоҳ китоби" деб номланган бўлимида замонавий ҳуқуқшунослар учун ҳам аҳамиятли ҳисобланган никоҳ муносабатларига оид алломининг ҳаётий ўғитлари ва асосли ҳулосалари келтирилган. Уларни миллий қонунчиликимиз билан солиштириш имконияти мавжуд.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби "Оила"га бағишланган бўлиб, 63-моддасида "Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосланади", деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 1-моддаси

да кўрсатилишича, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчилик билан аралашшига йўл қўймаслиқдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўқсинликсиз амалга оширишни ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Никоҳ ва оилавий муносабатлар борасида ҳам "Хидоя" муҳим аҳамиятга эгадир. Никоҳнинг одамлар ҳаётидаги вазифаси ва ўзини инобатга олиб, Марғинович айтиди: "Билгинки, никоҳ бобида гувоҳлик шартдир".

Ушбу ўғитлар бизнинг миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш тартиби белгиланган бўлиб, у фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида расмийлаштирилиши кўзда тутилган.

Сир эмаски, оиланинг асосий вазифаларидан бири соғлом фарзандларни дунёга келтиришдан иборатдир. Шу маънода "Хидоя"да яқин қариндошлар ўртасида никоҳнинг таққиланганлиги ҳақидаги ўғитлар бугунги кунда ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Бинобарин, ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, "насл-насаб шажараси бўйича тўғри тушган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга рухсат берилмайди".

Шунингдек, Марғиновичининг "Никоҳда тенглик этиборга олинади", деган фикрлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, Оила кодексининг 19-моддасида "Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлар-

Мирзохид ОБИДОВ,  
Тошкент шаҳар прокурори

дан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадилар", деган қоидаларда ўз ифодасини топган.

"Хидоя"да эр ва хотин ўртасида никоҳни бекор қилиш бўйича юзага келадиган "талоқ" тушунчасига батафсил изоҳлар ва қарашлар келтирилган. Бизнинг замонамизда никоҳдан ажралишни қайд этиш тартиби Оила кодексига батафсил кўзда тутилган. Масалан, кодекснинг 218-моддасида ёзилишича, "Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлган никоҳдан ажралишда ариза берувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига берган аризаларида ўртада вояга етмаган болалари ва мулкий низолари йўқлигини тасдиқлашлари шарт.

Никоҳдан ажралиш ариза берувчиларнинг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ариза берилган кундан бошлаб уч ой мuddат ўтгач қайд этилади".

Ушбу қоидалар никоҳни бекор қилишдан ташқари, аёллар ва вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлйдир.

Агар эр ва хотин ўртасида мулкий низолар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари бўлса, никоҳни бекор қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 239-моддасига асосан, судда даъво ишларини юритиш тартибиде кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар манфаатлари учун алиментлар ундириш ҳақидаги талаблар эса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238-2-моддасига асосан буйруқ тартибиде кўриб чиқиладиган ва у ижро ҳужжати кучига эгадир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, "Хидоя" Марғиновичининг шох асари бўлиб, тарихий ёдгорлик сифатида инсоният учун жуда қимматлидир, ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам у қадрли манбалардан бири бўлиб қолмоқда.

## Аниқ вазифалар белгилаб олинди

Жорий йилнинг 9 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика Ҳарбий прокуратураси маъкамаси офицерлари, ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий прокурорлар иштирок этди.

Йиғилишда ҳарбий прокуратура органларининг Куролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг, жумладан, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2014 йил давомидаги фаолияти яқунлари ҳамда келгусида амалга оширилиши устувор аҳамиятга эга бўлган истиқболли вазифалар кўриб чиқилди.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ш.Узақов очиб берди. Дастлаб кун тартибидеги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий про-

курорининг ўринбосари Б.Худойбердиевнинг ахбороти тингланган.

Таъкидланганидек, ҳарбий прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган қатор амалий ишлар ва қонунчилик тарғиботи тадбирлари натижасида ўтган йилда Куролли Кучларимизда ҳарбий интизомнинг янада мустаҳкамланишига эришиш билан бир қаторда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ҳуқуқий тарбия ишларини такомиллаштириш, шунингдек янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари, амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини ижрочиларга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда кенг жамоатчилик

этиборига етказиш борасида кенг миқёсли ижобий ишлар амалга оширилиб, қўшиларда қонун устуворлиги, ҳуқуқ-тартибот ва ҳарбий интизомнинг доимий барқарорлиги таъминланган.

Ҳисобот даврида қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, хизмат ва яшаш жойларида маъийи шароитлар яратилиши аҳоли, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида мактабга таълим муассасаларида болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш, соғломлаштириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиниши ҳолати ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан назорат остидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда режа асосида ҳамда қонунда белгиланган тартибда текширишлар ўтказилиб, натижасига кўра прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Йиғилиш

Отабек ХОЛБОЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

Прокурор назорати ҳужжатларининг кўриб чиқилиши натижасида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган шахсларнинг интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарлик масаласи қонуний асосларда ҳал қилинган, текширишларда аниқланган барча ҳолатлар бўйича ҳуқуқбузарлик оқибатида жабр кўрган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тўлиқ тикланган, шунингдек етказилган моддий зарарларни тўла ҳажмида ундириш, шунингдек бунда фуқаролик судларига даъво аризалари киритиш орқали зарар масаласини қонуний ҳал қилиш чоралари кўрилган.

Шунингдек, ҳайъат мажлисида "Кексаларни эъзозлаш йили" да амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳам атрофлича муҳофама қилинди.





# Суд мунозарасининг ўзига хос хусусиятлари

*Давоми. Бошланиши 3-бетда*

Прокурор давлат айбловини қувватлаш жараёнида мулоқот олиб боришни мохир устаси, тажрибали мунозарачи ва суд иштирокчилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга қодир ажойиб суд нотиғи бўлиши керак.

Судда иштирок этувчи прокурор берилган қонуний ваколатлардан суд қарорларининг қонуний бўлишига зарур даражада таъсир кўрсатиши, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашда юқори савияли давлат айбловини қувват-

лашни таъминлаш орқали самарали фойдаланиши лозим.

Давлат айбловчиси сўзлайдиган нутқининг мақсад ва вазибаларини аниқ, равшан тасаввур қилмоғи керак. Унинг нутқининг самарадорлиги ва таъсирчанлиги, биринчи навбатда, унинг қанчалки асослиги ва ишонарлигига боғлиқ.

Прокурор нутқи судьяларда ички ишонч уйғонишига, қонуний ва асосли ҳукм чиқарилишига қўмаклашиши лозим. Унинг нутқи ҳукм чиқариш билан боғлиқ масалаларни тўғри ҳал қилишда судга қўмаклашишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки тарбиявий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак.

Прокурор нафақат айблов тезисини тасдиқловчи далилларни, балки айбловни заифлаштирадиган, судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган далилларни ҳам таҳлил қилади ва баҳолайди. Бу эса нутқининг ишонарлиги чиқишини таъминлайди ва прокурорнинг холислигидан далолат беради.

Далилларни таҳлил қилиш ва баҳолашда далилни шубҳа остида қолдириши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар, у ёки бу далилларни шубҳа остига қўйиши мумкин бўлган аломатлардан кўз юммаслик, аксинча, у ёки бу далиллар қандай пайдо бўлгани, дастлабки тергов ва суд терговидан улар қай тарзда ўзгаргани,

қарама-қаршиликлар сабаби нимада эканини кўрсатиш керак.

Айблов нутқидан ташқари прокурор суд музокарасида айбловдан воз кечганда судланувчини оқлагга доир хулосалар юзасидан ҳам нутқ сўзлаши мумкин. Агар прокурор суд музокамаси натижасида суд терговчи маълумотлари айбланувчига қўйилган айбни тасдиқламайпти деган хулосага келса, судга айбловни рад этиш сабабларини баён этиши керак.

Прокурор судда судланувчининг айби ўз тасдиғини топмаганини аниқлагани заҳоти айбловдан воз кечади. Чунки Ўзбекистон Республикаси ЖККнинг 409-моддаси 4-қис-

мида "Суд музокамаси натижасида прокурор суд терговчи маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт", дейилган.

Айбловдан воз кечиш тўла ёки қисман ҳам бўлиши мумкин, яъни прокурор айбловнинг баъзи бир бандларидан ёки қисмларидан воз кечиши ва қолган қисми бўйича айбловни қувватлаши мумкин.

Давлат айбловчисининг нутқи ишонарли бўлмоғи лозим, чунки суд амалдаги қонунларга мувофиқ, унинг позициясига алоқадор эмас ҳамда унинг фикрига қўшилмаслиги ҳам мумкин.

## Хорижда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси

*Халқаро ҳуқуқ тизимида жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган, алоҳида эътибор ва гамхўрликка, бинобарин, тугилгунча ва тугилганга кейин ҳам ҳимояга муҳтож болаларга таълим этилаётган ҳуқуқ, имтиёз ва қафолатларни қамраб олувчи "бола ҳуқуқлари" соҳаси юзга келди.*

Азамат МАМАТКУЛОВ,  
Бош прокуратуранинг ОУК катта ўқитувчиси

Ёшларнинг жамият ҳаётида иштирок этишининг асосий воситаси ёшлар ташкилотларидир. Барча ёшлар ташкилотларининг фаолияти 1993 йилда Федерал ёшлар фонди асосида шакллантирилган ёшлар ва болалар федерал фонди бошқармаси томонидан тартибга солинади. Бу бошқарма Германияда ёшлар ва болаларни қўллаб-қувватловчи энг асосий фонд ҳисобланади.

Биламизки, болалар катталарга эга бўлган ва фойдаланадиган ҳуқуқларнинг ҳаммасидан ҳам фойдалана олмайдилар ҳамда ҳали вояга етмаганликлари боис, давлат ва жамият томонидан уларга алоҳида гамхўрлик кўрсатилиши, шу билан бирга, айрим имтиёзлар берилиши талаб этилади.

Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда алоҳида эътиборга молик соҳа меҳнат қонунчилигига риоя этилиши бўлиб, ҳар бир давлатнинг тартиб-қоидалари, тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, болалар меҳнатини тартибга соладиган мезонлар билан белгиланади. Хусусан, мактабни неча ёшдан тугаллаш, уйланиш ёки турмушга чиқиш, сайловларда иштирок этиш, суд-ҳуқуқ тизими томонидан баҳолатга етган, деб тан олинши, қуролли қўчлар сафига қаҳририлиш ва меҳнат фаолиятини қачон бошлашни белгилайдиган расмий ёш чегаралари мавжуд. Айрим хориж мамлакатларида фаолият турига қараб, ёш борасидаги шартлар ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Бу борада Европа давлатлари орасидан Германиянинг ёшларга оид қонунчилигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсати ўзининг нисбатан мукамал қонунчилиги ва ижро тизими билан ажралиб туради. Уларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари — Фуқаролик кодекси, "Ижтимоий ёрдам тўрисида"ги Федерал қонун ва Меҳнат қонуни каби ҳужжатларда ёшлар ва болалар муаммоларини ҳал этишга эътибор қўйилган. Мамлакатда ёшлар сиёсати тармоқлараро бўлиб, унинг мақсади бу борадаги концепцияларни қўллаб-қувватлаш ва барча давлат муассасалари ҳамда ёшлар ташкилотлари билан турли даражадаги янги ҳамкорлик шакллари ривожлантириш назарда тутилади.

Ёшлар сиёсатини молиялаштиришнинг бош механизми — Болалар ва ёшлар ишлари бўйича Федерал Режа (Kinder- und Jugendplan des Bundes) ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, 2012 йилда федерал ҳужумат томонидан 25 млрд. евро маблағ болалар ва ёшлар сиёсатини қўллаб-қувватлашга сарфланган.

Давлат томонидан талаба ёшларга ойига 525 евро стипендия ва яна қўшимча равишда дарсликлар сотиб олиш учун 80 евро берилади. Бироқ, барча стипендиантлар тўлиқ бўлмаган дотация оладилар ва албатта, бу отаналарининг ойлик миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Фақат 16 фоиз стипендиантлар тўлиқ стипендия оладилар. Шунга таъкидлаш лозимки, агар талаба Германия фуқароси бўлса ёки ота-онасининг ўқиш учун молиявий ҳолати яхши бўлмаса, бундай молиявий ёрдамни олиши мумкин. Бундай ҳолатда давлат кредити (Bafoeg деб номланиб, 20-25 йилда тўлаш лозим) олиши мумкин.

Жаҳондаги кўпгина давлатларда вояга етмаганларнинг тунги вақтда кўнгилочлар тадбирларида иштироки масаласи қонуна мустаҳкамланган бўлиб, бу йўналишдаги ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик белгиланган. Германиянинг бу борада 2002 йил 23 июлдаги "Ёшлар муҳофазаси тўрисида"ги Қонунда 18 ёшга тўлмаган болаларнинг тунги бар ва клубларда, кўнгилочлар, кимор ўйин залларида ва шунга ўхшаш жойларда бўлиши тақиқланган.

Бундан ташқари, айрим хорижий давлатларда (АҚШ, Франция, Германия ва бошқалар) алкоғолли ичимликларнинг тунги вақтда сотиш жойлари чекланган бўлиб, алкоғолли маҳсулот сотиладиган ва истеъмол қилинадиган жойларга вояга етмаганларни киритиш тақиқланади. Хусусан, Буюк Британияда спиртли ичимликларни сотишга соат 8:00 дан 21:00 гача ружухат этилган. Ирландияда эса бу ичимликлар билан савдо қиладиган барларга 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг соат 21:00 дан кейин киришига ружухат этилмайди.

Хулоса ўринда гурур билан айтишимиз мумкинки, юртимизда ҳам Германиядаги ва ривожланган бошқа мамлакатлардаги сингари ёшларга оид давлат сиёсати юқори даражада шаклланган бўлиб, давлатимиз томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

*Мустақиллик чин маънода тadbirkorликка, tadbirkorlik субъектлари раvаvқига катта имтиёз ва имконият беради десак, муболага бўлмайди. Уттан йиллар мобайнида маэкур тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётига муҳим бўлингга айланди. Бу ўринда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ҳар томонлама ривожлантириш борасида яратилаётган ҳуқуқий асосларни, давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатни алоҳида эътироф этиш жоиздир.*



## Жамият фаровонлиги учун

Биргина 2012-2013 йилларда 5 та қонун, Президентимизнинг 14 та фармони ва қарори, шунингдек, бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ўтган йилнинг ўзида бизнес юритишга ружухат берадиган 80 дан ортук тартиб-тамойиллар қисқартирилди, 15 та фаолият тури лицензия талаб этиладиган рўйхатдан чиқарилди. Солиқ соҳасида ҳам бир қатор имтиёзлар берилиб, ҳисоботларнинг айрим турлари қисқартирилди.

Бундан ташқари, қонун доирасида иш олиб бораётган тadbirkorларга турли йўللар билан тўқсинлик қилганлик ҳамда ҳужжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўрисидаги кодексларга жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалар киритилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз ҳокимликлар, назорат органлари ва бошқа идоралар томонидан тadbirkorлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви, тўқсин бўлиш ҳолатларини жиддий танқид қилган эди. Хусусан, шу йўналишдаги камчилик ва муаммолар хусусида тўхталар экан, "Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаямиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз планли-таксимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ. Кескин рақобат шароитида солиқ имтиёзлари ва протекционистик чоралар ҳисобидан яшаш мумкин, деган нотўғри қараш миямизга чуқур ўрнашиб қолган.

Бундай чоралар, аввало, корхоналар манфаатига зарар етказиб, уларнинг даромадини камайтириш билан бирга, давлат бюджетига сезиларли равишда зиён етказиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Энг муҳими, ҳар қандай имтиёз ва преференциянинг умри узок эмаслигини эсимиздан чиқармаслигимиз зарур", дея таъкидлади.

Райим РЎЗИЕВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛКК департаменти  
бўлим бошлиғи

Юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасида хусусий тadbirkorларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда, Президентимиз таъкидлаганидек, эскича қарашлар, бошқариш усулларидан воз кечиб, имкониятлардан умумли фойдаланадиган, тadbirkorликни ривожлантирадиган вақт келди, деб ўйлаймиз.

Шунга қарамасдан, тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган фуқароларимиз айрим шахсларнинг нотўғри тарбиотига, баъзан эса уларнинг нотўғри даъватларига учрамоқда. Бунинг оқибатида тadbirkorликнинг айрим соҳалари, айниқса, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланишда айрим шахслар томонидан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда.

Фойда олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланганлик учун амалдаги қонунларимиз асосида жавобгарлик белгиланган. Қонунга хилоф равишда воситачилик фаолияти билан шуғулланиш фуқароларга товарларни сотиб олиш ёки ўтказишда ёрдам кўрсатиш ёки шунга ўхшаш мажбуриятларни ўз зиммасига олиш, шунингдек, томонлар ўртасида олди-сотди шартномасини тузишда қўмаклашиш ёки бошқа белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилиб бўлмайдиган фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган ноқонуний фаолиятдир.

Тadbirkorлик билан шуғулланиш истагида бўлган ҳар бир фуқаро, энг аввало, тadbirkorликка оид давлатимиз томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларни билиши уларнинг келгуси фаолиятларига мустаҳкам замин яратди.



# Жиноят квалификацияси тушунчаси, назарий асослари ва жараёни



**Жиноят квалификацияси жиноят қонунчилигини татбиқ этишда энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Тўғри амалга оширилган квалификация, кейинчалик жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш, уни судда кўриш ва жазо тури ҳамда муддатини белгилашда муҳим ўрин тутади.**

**Ж**иноят квалификацияси деганда, содир этилган жиноят белгилари ва унинг ҳуқуқий норма асосида кўриб чиқилган белгилари орасидаги мувофиқликни аниқлаш ҳамда ҳуқуқий мустаҳкамлаш тушунилади. "Жиноят квалификацияси" атамасининг икки хил маъносига эътибор қаратамиз:

а) қонунни қўловчи мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья)нинг асосий вазифаси содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг белгиларини жиноят қонунчилигида кўрсатилган ижтимоий хавфли ҳаракатга давлат ва ҳуқуқ соҳаси томонидан берилган баҳо.

Бундан ташқари, қонуний ва назарий квалификация тушунчаси ҳам бор.

Назарий квалификация илмий мутахассис — криминалистларнинг махсус ва илмий адабиётлардаги фикрларини ўзида акс эттиради. Бундай квалификация амалиётда жиний ҳаракатни баҳолашда қўл келса-да, мажбурий характерга эга эмас.

Қонуний квалификация жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари билан чамбарчас боғлиқдир. Жиноят ҳуқуқи квалификация моҳиятини белгиласа, жиноят-процессуал ҳуқуқи уни расмий шаклга келтириш имконини беради.

Жиноят квалификациясининг субъекти ҳисмоний шахс томонидан содир этилган ва ижтимоий хавфли бўлган ҳаракат ўзининг шакл ва мазмунига эга бўлган аниқ ҳодисадан иборатлигини билиши керак. Бундан қўзланган асосий мақсад — ҳодисани аниқ қонунларга мувофиқликда баҳолаш ва содир этилган ҳаракатнинг у ёки бу ҳуқуқ нормаларига тўғри келиши ёки келмаслиги тўғрисида ҳолисона ҳулоса чиқаришдан иборат.

Бугунги кунда жиноятни квалификация қилишда илмий ёндашувнинг аҳамияти катта, бунда интуиция, яъни ички туйғуга эга бўлиш инкор этилмайди. Кўрсатиб ўтилган жиноят квалификациясининг назарий асослари қонунни қўловчи органлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, квалификация жараёнининг

босқичлари ҳам муҳимдир. Жиноят ҳуқуқи фанида жиноят квалификацияси босқичлари сони бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Бир гуруҳ олимлар уни уч босқичдан, бошқалар эса олти босқичдан иборат деб кўрсатишган.

Бизнингча, охириги фикрга қўшилса бўлади. Бу ерда бошқа бир муҳим томони, айнан квалификация жараёнининг маълум босқичлардан ўтиши жиноят ва жиноят-процессуал қонунни ўртасидаги ўзаро чамбарчас боғлиқликда амалга оширилади. Натижада ҳар бир навбатдаги босқич аниқроқ, мантқиқий тугал бўлиб боради ва аниқ ҳулосага асос бўлади; жиноят аломатлари мавжудлиги ёки йўқлиги; жиноят турининг белгиларини аниқлаштириш; квалификацияни ўзгартириш ёки тўлдирish; жиноят ёки жиноят-процессуал қонунни нотўғри қўлланилганлиги ва ҳоказолар.

Албатта, мазкур мантқиқий ҳулосалар ижрога чиқарилиши аниқ бўлган процессуал ҳужжатлар шаклида ўз ифодасини топади.

Квалификация жараёнининг биринчи босқичи содир этилган ижтимоий хавфли бўлган ҳаракатни умумий таҳлил этиш, жиноятнинг дастлабки белгиларини аниқлаш (қоида бўйича тажовуз қилинган жой ва объект тарафининг характери аниқланади)ни ўз ичига олади. Барча ййилган ҳужжатларни уларнинг минимал миқдорда эканлигини инобатга олган ҳолда синчковлик билан ўрганиш зарур.

Агар жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи белгилар мавжудлиги ҳақида етарли маълумотлар тўпланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 331-моддасига (жиний ишнинг кўзатиш тартиби) асосан жиноят иши кўзатилиши лозим.

Жиноят квалификацияси жараёнининг иккинчи босқичи биринчиси билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, унинг натижалари айрим ҳолларда тўздан фарқланиши мумкин. Тергов жараёнларида терговчи тез-тез квалификация ҳақидаги ўз фикрларини билдиради, текширувни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, жиноятнинг янги белгиларини юзага чиқаришга ҳаракат қилади. Янги фикр айтиш, ўз тасдиғини топмаган тахминларни инкор этиш мумкин.

Айнан шу босқичда жиноят учун характерли бўлган сабаб-

лар таҳлил ва синтез қилинади. Терговчи факультатив ва баҳолашга оид белгиларни аниқлаштиради. Жиноят ҳақидаги умумий тушунчадан содир этилган ҳаракатнинг умумий ва алоҳида аломатларига ўтади, кейин гумонланувчи ҳаракатларида жиноят таркибига оид қандай аниқ жиноят белгилари мавжудлиги тўғрисида далиллар билан мустаҳкамланган бир фикрга келиб, шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тарикасида шитирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

Кейинчалик барча ҳолатлар ойдинлаштирилгандан сўнг ЖПКнинг 361-моддасига қўра шахсни жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради.

Квалификация жараёнининг учинчи босқичи айб эълон қилингандан сўнг давом этиб, айблов ҳулосасини тузиш билан яқунланади. Лекин бундай натижа ҳар доим ҳам ҳал қилувчи ҳисобланмайди.

Айбловни қайтадан кўриб чиқиш ёки ЖКнинг бошқа моддаси ёки қисми билан қайта квалификациялашга олиб келадиган текшириш ва баҳолашнинг талаб қиладиган янги ҳолатлар топилиши мумкин. Турли асосларга қўра жиноят иши тугатилиши ёки тўхтатилиши ҳам мумкин. Шу босқичда терговчининг фаолияти ўз нихосига етади. Айблов ҳулосасида эса энг охириги квалификация кўрсатилади, яъни қонунчилик модели — жиноятнинг аниқ таркибига асосан жиний ҳаракат белгилари тўлиқ ҳолда берилди.

ЖПКнинг 384-моддасига қўра прокурор ёки унинг ўринбосари терговчидан айблов ҳулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиши ва айбланувчи зиммасига қўйилган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлиги ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлигини; қўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асосланганлигини; айбланувчининг исботланган барча жиний қилмишлари айблов мазмунига киритилган-киритилмаганлигини; жиноятни фош қилинган барча шахслар айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилинган-қилинмаганлигини; айбловни ёки ишнинг тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар бор-йўқлигини; айбланувчининг қилмишларига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлигини; айблов ҳулосаси ушбу қодексонинг 379 ва 380-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилган-тузилмаганлигини текшириши шарт.

Прокурор ишнинг ўрганиш жараёнида қонун доирасида жиноят квалификациясини енгиллаштирувчи ҳолатга ўзгартиришга ҳақли. Агар квалификация оғирлаштирувчи ҳолатга ўзгартириш лозим бўлса, прокурор жиноят ишини қайта квалификация қилиш учун тергов органига қайтариб юборади.

Жиноят ишининг судда кўрилиши квалификация жараёнининг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Судьянинг

судланувчининг ҳаракатини квалификация қилишни ўзгартириш бўйича ваколати прокурор ваколати билан ўхшаш.

Жиноятнинг энг сўнги квалификацияси суднинг айблов ҳукмида эълон қилинади. Бу босқичда аниқланган ҳолатлар тўлиқ ва чуқур таҳлил этилиб, унга охириги юридик баҳо берилади.

Нихоят жиноят квалификацияси жараёнининг сўнги босқичида, кўпчилик ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, унинг кассация ва назорат тартибиде ўзгаришини эътиборга олиш лозим. Суд ишни кассация тартибиде кўриб чиқиш давомида биринчи инстанцияда суди томонидан белгиланган жазони юмшатиши ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун қонун нормасини қўллаш, аммо жазони оғирлаштириши ва оғир бўлган жиноятни қўзлайдиган қонун нормаларини қўллаш мумкин эмас. Суд назорат тартибиде ишни кўриб, жиноят квалификациясини ўзгартиришда жазони оғирлаштириши ва оғир бўлган жиноятни қўзлайдиган қонун нормаларини қўллашга ҳақли эмас.

Жиноят квалификациясининг энг муҳим асоси бу жиноят қонунидир. Фақатгина қонун жиноят деб номланадиган хатти-ҳаракатларни тўлиқ ўзида қамраб олади.

Амалиётда жиноят-ҳуқуқ нормаларини қўллашда ўхшашлик (аналогия)га йўл қўйилмайди. Фақат давлат Олий органи (Олий Махлис) жиноят қонунини ўзгартириш ва тўлдирishга ҳақли. Қонундаги бўлишқ фақатгина қонун қабул қилиш йўли билан бар тараф этилиши мумкин. Шу билан бирга, жиноят қонунини қўллашнинг шарҳлаш, яъни унинг маъно-мазмуни ҳақида тушунча ва изоҳ бериш имконияти ҳам берилган. Уларни бир хилда қўллашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг маълум турдаги жиноятларнинг квалификацияси тўғрисида тушунтириш бериши катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда бу тушунтиришлардан албатта қонунни қўловчи мансабдор шахслар кенг фойдаланиб келмоқда.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар, бу суд прецедентидан бошқа нарса эмас, деган ҳолда, уларни ҳуқуқ манбалари сифатида қабул қилишни таклиф этишмоқда. Аммо бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига тўғри келмайди. Ўзбекистонда бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Шунга мос равишда ҳуқуқ манбаи фақат қонун ҳисобланади, жиноят ҳуқуқининг ягона манбаи эса жиноят қонунидир.

Маълумки, жиноят қонунчилиги умумий ва Махсус қисмлардан иборат. Жиноят квалификациясида Махсус қисм нормаларини қўллаш умумий қисмда акс этган принциплар, қонун-қоидаларга асосланади. Квалификация аниқ ҳолатда қандай норма қўлланилиши тўғрисидаги ҳулосани назар-

**Муҳидин МУСАЕВ,**  
юридик фанлар номзоди

да тутади. Квалификация субъектлари таҳлил қилинаётган ижтимоий хавфли бўлган хатти-ҳаракатнинг таркиби кўрсатилган ЖКнинг Махсус қисм (маълум вазиятларда Умумий қисм)даги модда, қисм, банди кўрсатиб ўтишлари шарт.

Жиноятни квалификация қилишда биз ижтимоий хавфли бўлган хатти-ҳаракат билан ЖКнинг Махсус қисми моддалари диспозицияси ўртасидаги ўхшашликни белгилamayи, балки хатти-ҳаракат ва қонун чиқарувчи томонидан диспозицияда мустаҳкамланган жиноят таркиби белгиларини солиштираемиз. Жиноят таркиби жиноят ҳуқуқида энг муҳим қонунчилик билан боғлиқ назарий тушунча ҳисобланади. Бу атаманинг бир нечта аҳамияти ажралиб туради.

Биринчидан, жиноят таркиби ижтимоий хавфли бўлган хатти-ҳаракатнинг криминаллашуви асосидир. Иккинчидан, жиноят квалификациясининг юридик асосидир. Учинчидан, жиний жавобгарлик асосидир.

Ҳуқуқий асос қонунчилик модели бўлиб, аниқ жиний ҳаракатга нисбатан умумий тушунча, бу вазиятда алоҳида, ўзига хос маъно касб этади. Шу тарзда жиноят таркиби жиноят қонунчида кўрсатилган барча объект ва субъектив элементлар ва белгиларни ифодалаб, ижтимоий хавфли бўлган хатти-ҳаракатни жиноят деб топади. Жиноят таркиби структураси одатда тўртта доимий элементлардан иборат қисмлардан ташкил топади: тажовуз объекти, объект ва тараф, жиноят субъекти ва субъектив тараф. Квалификация учун санаб ўтилган, доимий ҳамда факультатив (мажбурий бўлмаган) ҳар бир қисм аҳамиятга ва маълум белгига эга.

Объектив тараф (жиноят таркибига боғлиқ тарзда) учун доимий белги хатти-ҳаракат ва зарарли оқибат, улар ўртасидаги сабабий боғлиқлик бўлса, факультатив белги сифатида вақт, жой, жиноят содир этиш усулини кўрсатиб ўтиш мумкин. Субъектив тараф учун бундай мавжуд белгилар сифатида айб, жиноятни содир этиш сабаби ва мақсади ҳисобланади. Махсус белгилар сифатида жиноят объекти (унинг таркибига предмет тушунчаси ва жабрланувчининг жиноятга дуч келиш белгилари) ва жиноят субъекти кўрсатилади.

Квалификация жараёнида ижтимоий хавфли бўлган хатти-ҳаракатга мос келадиган жиноят таркиби қисмлари ва белгиларини ЖКдан қидиришга қаратилган билиш-ййиш фаолияти мавжуд. Бундан ташқари, квалификация жараёнида суд амалиёти ва илмий шарҳлардан кенг фойдаланилади.

Шуни эсда тутиш керакки, биз жиноятнинг янги моделини яратмаймиз, балки содир этилган хатти-ҳаракатнинг қисм ва белгиларини амалдаги қонунчиликка асосан юзага чиқарамиз.





**Кокилон қишлоғилик, уч нафар фарзанининг отаси 34 яшар Илҳом Ҳожиматов кўзларидagi йил этган қувликни айтмаганда, афтидан беозор кўринади.**

## Кокилонлик фирибгар

Унинг айбига тўқис иккун бўлаётди, афсус-надомат чекаётган, чинакамга пушаймон бўлаётган одам қиёфасига қираётганлиги шундоқ юзидан билини турарди. Чунки, бундай дейишимизга асос бор. Бу кимса муқаддас тўрт марта судланган, мурувват кўрсатилиб, амнистия актларига асосан тайинланган жазодан озод қилинган. Дастлаб 18 ёшида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми "б", "в" бандлари билан айбдор деб топилиб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган эди. Афв этилгач, тавба қилишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Ишлашга бўйни ёр бермай, бировларни алдаб қордад орттириш бўйича "тажрибаси" ни ошириб борди. Бора-бора фириб бобида унча-мунча дарс берадиган "учар" га айланди. Эътирозга ўрин қолдирмайдиган, ишонча сазовор йўсинда, бўйруқ оҳангида гаплашишнинг ҳадисини олди. Қишлоғида ҳамда Қуваасой шаҳри ҳудудининг бошқа қишлоқларидаги боғбонлардан боғларида пишиб етилган меваларини насияга улгуржи олиб сотар, пулларини эса бермасдан юраверарди. Сўнгги бор унга ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил

ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган эди. Жазони ўташдан бўйин товлагани учун суднинг ажрими билан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилиб, қидирув эълон қилинган ва 2011 йил 11 сентябрь куни ушланган эди.

И.Ҳожиматов ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаб юрган пайтлари, уч-тўрт ой ичида эс-хуши жойида, оқни қорадан ажрата оладиган ишбилармон кишиларни хамирдан қил суғургандай чув туширган экан. Қуваасойлик боғбонлар орасида донги чиқиб, фириби ўтмай қолгач, у бошқа ҳудудларга "гастрол"га чиқадди. Миллий хавфсизлик хизматида ишлайман, дея таниш-нотаниш кишиларнинг муаммоларини ҳал қилиб беришга ишонтириб, "хизмати"ни тақлиф қилишни касб қилади. Бу кимса чув туширган жабрланувчилар унинг эгнидаги харбийча либосни кўриб, фирибгарга чиппа-чин ишонаверишган.

— Укам харбий хизматга бормоқчи эди, — дейди фуқаро Б.Каримов суд мажлисида. — 2014 йилнинг апрель ойида тибий кўрикдан ўта олмади. Ўртоғимга бу ҳақда айтганим, у бир танишим хавфсизликда ишлайди, дея судланувчи Илҳом Ҳожиматов билан учраштириб қўйди. У укамни харбий хизматга жўнатишни зиммасига олди. "Озгина харажати бор", деди.

Харбий кийимда бўлгани туфайли унга ишондим. Сўраган пулини бўлиб-бўлиб бердик. Бир неча маротаба мендан, отамдан жами 2900 АҚШ доллар ва 500 минг сўм пулларимизни олиб кетди.

И.Ҳожиматов май ойида Фарғона шахрининг Қирғули мавзесидаги автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш устанонасида М.Касимовани учратади. Унга шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган оҳангга ўзини Миллий хавфсизлик ходими Бахтиёрман, деб таништиради.

— Харбийча кийинган эди, — деди жабрланувчи М.Касимов суд мажлисида кўрсатмасини давом эттириб. — Мени уйгача кузатиб қўйди. Уйимизга келиб-кетиб юрди. "Спарк" русумли машинамаз маълум сабабларга кўра давлат эгалигига ўтказилганда. Ўша пайтларда биржа сотувида чиқарилиши керак эди. Бахтиёр, ҳақиқий исми Илҳомлигини терговда билдим, машинангизни 7 минг АҚШ долларига олиб беришим мумкин, деди. Авансига ярмини берсангиз ҳам бўлаверди, деб 3100 АҚШ доллар олиб кетди.

М.Касимовани шилиб кетганидан кейин фирибгар июль ойи ўрталарида Н.Алмаматов билан танишади. Унинг ҳам давлат эгалигига ўтказилган "Нексия" русумли машинаси 10 минг АҚШ долларига олиб бераман, дея ишонтиради. Н.Алмаматов унга 7 минг

**Илҳомжон ХОДЖАЕВ,**  
Қуваасой шаҳар прокурори ўринбосари

АҚШ доллари беради. Ўша куни у бировга тегишли бўлган "Нексия" русумли машинани унга бериб кетади.

— Алдаб, бировнинг машинаси келтириб берган экан, — деди жабрланувчи Н.Алмаматов.

— У билан июнь ойи бошларида танишиб қолдим, — деди яна бир жабрланувчи Ф.Сатторов. — Ушбу фирибгар 7 минг АҚШ доллари эвазига менинг автомашинамни Н.Алмаматовга бериб юборган экан. У менга хавфсизликда ишлайман, машинангизда олиб юрган ҳар бир қунига 100 минг сўмдан тўлайман, деди. Бу кимсани машинамаз бир ярим ойча олиб юрдим. 2014 йилнинг 17 июль куни кундузи соат 12:00 ларда уни Фарғона шахрида ижарада турган уйига элтиб қўйдим. Илҳом зарур иш чиқиб қолди, деб машинами сўраб олди. Органда ишлайман дегани учун унга ишониб машинанинг калитин бердим. Уни кеч соат олтигача кутиб ўтирдим. Илҳом келмаганидан кейин Миллий хавфсизлик хизматининг виллоят бошқармасига бордик. Унақа одам ишламайди, дейишди. Кейинчалик Илҳом машинами алдаб бировга сотиб юборганини билдим.

Июнь ойи бошларида

И.Ҳожиматов Кокилонга хари-дорларни бошлаб келади. Боғбонларни алдаб отнинг қашқасидай бўлиб қолгани туфайли ҳамқишлоғи К.Ҳасановдан улгуржи харидорларга шафтоли боғларини кўрсатишни сўрайди. Қ.Ҳасанов эса кредитга машина олишимга ёрдамлашворинг, кира қилиб, қарзни узавераман, деб илтимос қилади. "Мана миниб кўринг", Илҳом ўзи ҳайдаб келган "Матиз"нинг калитини беради.

— Машина менга ёқди, — деди жабрланувчи Қ.Ҳасанов. — Илҳом машинани менга арзонга бериб боришига ишонтирди. Отамдан 500 минг сўм олиб чиқиб бердим. Шундан сўнг у "Матиз"ни устага кўрсатиб, камчиликларини тузатиб олиб келиб бераман, деб ҳайдаб кетди. Бир ойча ўтди, қорасини кўрсатмади. Июль ойи ўрталарида телефон қилиб ё машинани беринг, ё пулни, десам, бўпти, телефон қилганимда хавфсизлик ходими ролини ўйнаб берсанг, пулингни оласан, деди. Кейин бошқа рақамдан телефон қилди, бир нималарни ёзиб олишни тайинлаётди, "бошлиқ хонасидами ёки йўқми?" деб сўради, унга ўзи ўргатганидек "хонаси берк, машинаси ҳам йўқ", деб жавоб қайтардим. Бироз ўтгач, Илҳом Фарғонага келиб пулингни олиб кет, гулбозори ёнида кутаман, деди. Гулбозорга бордим. Лекин, Илҳом келмади.

Суд ҳукми билан хавфли рецидивист И.Ҳожиматовга тегишли жазо тайинланди. У томондан жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар ундирилайдиган бўлди.

## Мастлик келтирган прожиа



**Сархушлик инсонга бўлаётган воқеаларни чуқур ўйлашга имкон берамайди. Оқибатда эса муҳажир ҳолида сабабсизга айланиб қолишига олиб келади.**

Кечга яқин Дамир қариндоши Шавкат билан дўстининг тўйига борди. Икки ёшнинг бахти учун қадаҳлар кўтарилди. Уйин-кулгу роса қизиди. Тўй якунигача Дамир анча маст бўлиб қолди. Тўй тугагач, Шавкатга "ҳали кетмаймиз, биронта кафега борамиз", деди. Сархуш Шавкат ҳам бу тақлифга рози бўлди. Иккаласи шаҳардаги кафеларнинг бирига киришди. Ароқ ва газак буюришди. Шу пайт ўртоқлари Азиз, Ҳасан, Бекзод, Нуралилар кириб келишди. Барчаси бир стол атрофида жойлашди. Зиёфат қизигандан қизиди. Ичкилик ҳам кетма-кет етказиб турилди. Маст бўлиб қолган Дамир Бекзод билан тортишиб қолди. Ўрнидан турган Азиз:

— Нимага тортишяпсизлар? — деди.

— Жойингга ўтир, аралашма, ўзимиз келишамиз, — деб Дамир уни жеркиб ташлади. Азиз "сен нима демокчисан ўзи?", деб Дамирни туришига қўймай юзига бир неча мушт туширди. Зарбадан гарангсиз қолган Дамир ўрнидан туришга интилди, бироқ кейинги мушлар уни ерга йикитди. Шавкат ва бошқалар уларни ажратиб қўйишди. Ташқарига чиқшгач, Шавкат нега уришганини сўради.

— Кўрсатиб қўяман, қани ким зўр экан?! — деди Дамир қўлини мушт қилиб. — Юр сеникига борамиз.

— Нима қиласан? Қўй, уйингга борамиз.

— Буни шундай қолдирмайман. Уйинг яқин, юр, пичоқ олиб келайлик. Азизни сўйиб ташлайман! — деди Дамир тобора ғазаб ва аламини сочиб. — Сен ёрдам берсан, ахир қариндошингман. Уни ўлдирамиз!

Унинг гапларини эшитган маст ҳолдаги Шавкат ҳам тўхтатишга уринмади. Улар Шавкатнинг уйдан иккита пичоқ олиб чиқиб, кафега қайтиб келишди. Бахтга қарши, Азиз ҳали шу ерда экан. Унинг ёнига борган Дамир:

— Мени нега ургангни тушунтириб бер, — деди.

Азиз унинг гапига қулғак ҳам солмади. Шу пайт Дамир унга бир мушт тушириб қолди. Шеригига ёрдамга чоғланган Шавкат эса Азизнинг бел қисмига пичоқ урди. Ориқдан доғлаганча Азиз ташқарига қочиб чиқди. Қасд олишни мақсад қилган йигитлар ортидан қувиб кетишди. Қонга беланган Азиз кўп қаватли уйлар оралаб қочди. Лекин кўп қон йўқотганлиги сабаб ҳолсизлана бошлади. Ортидан қувиб келган йигитлар уни йикитиб, дуч келган жойига

**Искандар КАМОЛОВ,**  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

пичоқ ура кетишди. Оғир жароҳат олган Азиз хушини йўқотди. Шавкат "бўлди, бошқа урма, кетишимиз керак", деб Дамирни тўхтапти қолди. Улар такси тўхтапти, жўнаб қолишди. Жароҳатлари азоб бераётган Азиз ўзига келгач, ёрдам сўраб бақирди. Шу атрофдан ўтиб кетаётган ҳуқуқ-тартибот ходимлари ёрдамга шошилди. Бироқ, Азиз сифохонада вафот этди.

Бу пайтда анча олислаб кетган Дамир ва Шавкат машинадан тушиб, пичоқларни ариққа улоқтиришди.

— Аниқ биланам, Азиз ўлган, — деди Шавкат ҳаяжондан мастлиги тарқаб. — Кел, келишиб олайлик. Кўпчилик у билан уришганигни кўрди. Мени айтмайсан, оилангдан хабар олиб тураман. Ҳаммасини бўйингга ол.

Дамир рози бўлди. "Иккун бўлсам энгиллик берилади", деб ўйлаб ички ишлар бўлимига йўл олди. Бўлимга келиб, ҳаммасини айтиб берди. Бироздан сўнг Шавкатни ҳам уйдан тўтиб келишди.

Суд ҳукми билан Дамир Холиқов ва Шавкат Наимовга 17 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хулоса шуки, спиртли ичкиликлар инсонга фақат қулфат келтиради. Гувоҳи бўлганингиздек, у бир инсоннинг умрига зомин бўлди, икки кишининг эса узоқ йиллар панжара ортида ўтиришга маҳрум этди.

**Бирор тайинли ишнинг бошини тутмаган, осон ва энгил йўл билан пул топишни ният қилган амакиваччалар — Усмон ва Фахриддин Маждивовлар(исм-фамилиялар ўзгартирилган) охир-оқибат қилмишларидан пана ейишди.**

## Мўмай пул топаман деб...

**Шухрат ХОЛМАТОВ,**

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

2013 йилнинг баҳорида Усмон билан учрашган Шахло автомашина сотиб олиш учун АҚШ доллари керак бўлаётганлигини айтиб, бу борада ёрдам беришини илтимос қилади. Бунга жавобан У.Маждивов танишига қўнгли хотиржам бўлишни, ёрдам бера олишни маълум қилади. "Мижоз" билан хайрлашган Усмон амакисининг ўғли Фахриддин билан учрашишга ошиқадди. Амакиваччалар ўзаро тил бириктириб, хорижий валютани "мижоз"га етказиш борасида келишиб олади.

Шахло билан телефон орқали айирбошлаш қийматини келишиб олган У.Маждивов учрашув манзилни ҳам белгилаб олади. Сўнг Фахриддиннинг "Спарк" русумли автоуловида йўлга отланишиб, белгиланган жойга боришади. У ерда "мижоз" билан учрашиб, 13 000 АҚШ долларини 37 миллион сўмга ўтказётган вақтларида Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Яшнобод туман бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Шунингдек, Усмон ва Фахриддин Маждивовлардан қонунга хилоф равишда сотиш учун мўлжалланган 36 000 АҚШ долларига яқин хориж валютаси ашёвий далил сифатида олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди айбланувчиларга нисбатан ўзининг адолатли ҳукмини ўқиди. Мўмай даромаднинг қўзлаб қинғир ишга қўл урган амакиваччалар энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан миқдориди жарима тўлашга мажбур бўлишди.



## Метродаги носозлик

Вашингтон шаҳри метросининг энг тирбана станцияларидан бири бўлган "L'Enfant Plaza"даги ер ости йўлакларидан бирида қуюқ тутун пайдо бўлди. Оқибатда бир киши лимикиб ҳалок бўлган. Яна бир неча ўнаб кишилар шифохоналарга етказилганиги ҳақида оммавий ахборот воситалари хабар беришмоқда.

Метро ходимлари зудлик билан станциядаги одамларни эвакуация қилишган. "Тутун жуда ҳам қуюқ эди ва биз қочишга тушдик", дейди жабрланганлардан бири маҳаллий телеканалга берган интервьюсида.

Ҳозирда шифохонадагилардан икки кишининг аҳволи оғирлигича қолмоқда. Воқеа жойида ҳалок бўлган аёлда юрак хуружи юз бергани айтилмоқда.

Ходиса сабаблари ҳозирча аниқланмаган. АҚШ Транспорт хавфсизлик миллий кенгаши бунинг тафсилотларини ўрганиш учун текширув олиб бормоқда. Айни вақтда бу станцияда иккала йўналиш бўйича поездлар қатнови тўхтатиб қўйилди.



## Корея президентининг таклифи

Жанубий Корея президенти Пак Кин Хе уруш сабаб бўлиниб кетган оилалар учрашувини 2015 йилнинг февралда ташкиллаштиришни таклиф қилди.

"Шимолий Корея кечиктирмасдан бу масала муҳокамасига киришиши жуда ҳам зарур", деди Жанубий Корея президенти. Аввалроқ, Жанубий Корея президенти Пак Кин Хе Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин билан музокаралар олиб боришга розилигини билдирганди.

Қайд этишларича, икки Корея етакчилари ўртасидаги музокараларда мамлакатларни бирлаштириш масаласи энг асосийларидан бири бўлади.



## Қора қути топилди

Индонезиялик кутқарувчилар Ява денгизига қулаган "AirAsia" авиакомпаниясига тегишли самолётнинг иккинчи "қора қутиси"ни ҳам топилган.

Индонезия транспорт хавфсизлик қўмитаси бош терговчиси Маржон Сисоварнонинг маълум қилишича, яқин кунларда иккинчи "қора қути"ни ҳам қуруқликка олиб чиқишди.

Унинг сўзларига қўра, кутқарувчиларнинг галдаги энг асосий вазифаси — экипаж кабинасидаги сўзлашувларни қайд қилиб борувчи борт регистраторни қидириб топилди.

Аввалроқ, кутқарувчилар "AirAsia" авиалайнерининг биринчи "қора қутиси"ни сувдан олиб чиқишган эди. Ҳозирги вақтда қидирув операцияси давом этмоқда.

## Қатарнинг ёрдами

Венесуэла давлати Қатар билан 2015 — 2016 йиллар мобайнида бир неча миллиард кредит олиш бўйича шартнома имзолади. Бу ҳақда Венесуэла президенти Николас Мадуро маълум қилган.



"Биз Қатар банклари билан айни пайтда нефт нархи пасайиб кетган шароитда молиявий ҳамкорлик қилиш бўйича иттифоқ туздик. Бу банклардан олинган маблағ биз учун ҳаво етишмаслик шароитида тутқазилган кислород баллонни каби аҳамиятга эга бўлади", — дейди Мадуро.

Таъкидланишича, Венесуэлага ёрдам беришга қарор қилган Қатар ҳам асосий нефт қазиб олувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Николас Мадуро Қатарга келишидан олдин Хитой, Эрон ва Саудия Арабистонида бўлган ҳамда керакли шартномаларни тузишга эришган эди.

## Пиводан заҳарланишди

Мозамбикнинг Читима округида заҳарланган пивони истеъмол қилган 56 киши оламдан кўз юмади. Бу ҳақда мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги хабар берган. Унда ёзилишича, яна 49 киши ўткир заҳарланиш таъхирини билан шифохонага ётқизилган.

Маълум бўлишича, бу кишиларнинг барчаси дафн маросими вақтида "тимсоҳ захри" томган пивони бир бочкадан олиб ичишган. Полиция ҳодисанинг келиб чиқиш сабабларини ўрганмоқда.


## Балиқ операция қилинди

Шарқий Англиядаги Норт-Уолшем шаҳарчасида 7 сантиметр узунликдаги аквариум балиғи операция қилинди. Балиқчанинг қизилўнгачида пайдо бўлган муаммо шуни талаб этган.

Бу операция деярли бир соат давом этган. Мазкур жарроҳлик икки нафар фельдшер ёрдамида ветеринар Фэй Беттел томонидан амалга оширилган. Операция давомида балиқчага 2 марта кам микдорда нархоз ўрнини босувчи модда юборишга тўғри келгани айтилмоқда.

Таъкидлашларича, балиқчанинг эгаси операция учун 380 евро тўлаган.

"Мен одамларнинг барчаси ўз қарамоғидаги жониворлар учун шундай қайғуришни истар эдим", дейди операцияни амалга оширган Фэй Беттел.



## Давлат котиби автоҳалокатга учради

Хабар беришларича, Ҳиндистонга расмий ташриф билан келган АҚШ давлат котиби Жон Керри кетаётган машина йўл транспорт ҳодисасига учраган.

Делегацияни олиб Аҳмадобод аэропорти томон ҳаракатланаётган кортеж сафидаги икки машина йўлда тўқнашиб кетган. Улардан бирида Жон Керри кетаётган эди. Ушбу кичик автоҳалокат натижасида ҳеч ким шикастланмаган, фақат машиналардан бири кортеждан чиқариб юборилган.




## Хорватияда сайлов яқунланди

Яқинда Хорватияда президент сайловининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Унда амалдаги президент 57 ёшли социал-демократ Иво Йосипович рақиб партия номзоди 46 ёшли аёл сиёсатчи Колинде Грабар-Китаровичга имкониятни бой берди.

Давлат сайлов комиссиясининг тарқатган хабаридан Грабар-Китарович сайловчиларнинг 50,43 фоиз овозини олган. Йосиповични эса 49,57 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган.

Маълумотларга қўра, бу президентлик сайлови Хорватия тарихидаги олтинчи сайлов бўлиб, мамлакат мустақилликка эришган 1991 йилдан буён биринчи марта аёл киши давлат раҳбари этиб сайланди. Хорватияда президент 5 йил муддатга бир марта қайта сайланиши белгиланган.



## Филнинг ғазаб

Маълумотларга қўра, айни дамда Таиланда филларнинг кўпайиш мавсуми бошланган. Шу сабаб, ҳозирда бу ҳайвонлар жуда тажовузкор бўлиб, улар билан тўқнашув яхшиликка олиб келмаслиги мумкин.

Хабар беришларича, Таиланддаги миллий боғга ташриф буюрган автомобилдаги сайёҳларни фил қувлай бошлайди. Сайёҳлар буни ўйин деб ўйлаб, аввал бу ҳодисани суратга олишди. Бироқ фил ўзини тажовузкорона тутатганини сезиб, автомобилдан тушиб, узоқроққа қочишга улғурилди. Фил эса автомобилга етиб олиб, уни босиб мажақлаб ташлади.



Тошкентда "Тошшаҳартрансизмат" акциядорлик компанияси томонидан йўловчи ташиш жараёнини бошқариш, тартибга солиш ва тармоқни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси режаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

## Транспорт хизмати такомиллашмоқда

Тармоқни ривожлантириш мақсадида компания корхоналарида кўшимча фаолият турлари жорий қилинмоқда. 2014 йилда йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш, автобуслардан оқилон ва самарали фойдаланиш, корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустахкамлаш, жамоат транспорти қатнови жадаллари ва оралиқ муддатларига қатъий риоя этишни таъминлаш мақсадида "онлайн" тартибда масофадан туриб назорат қилиш тизими — GPS-мониторинг мосламаларини ўрнатиш ишлари якунланди.

Тизимда янгилик сифатида йўлқира тўловини электрон шаклда амалга ошириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Хозир саккизта компаниянинг

бу борадаги таклифлари ўрганиб чиқилмоқда. Натижада бир марталик чипталар, ягона тўлов карталари, кредит қарточкаси билан фойдаланиш, мобил телефон орқали тўловларни амалга ошириш имконияти яратилади. Хозир йўлқирани электрон шаклда тўлаш, хусусан, мобил телефон орқали амалга ошириш "Мустақиллик" метро бека-тида синовдан ўтказилмоқда.

Матбуот анжуманида ҳайдовчи ва чипта сотувчиларнинг хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, "Ишонч телефони" орқали тушаётган муносабатлар ижроси, йўловчи транспортда хавфсизликни таъминлаш ва бошқа масалалар хусусида сўз юритилди. Журналистлар ўз саволларига мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

## Янги мажмуа иш бошлади

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида зилзилаларни симуляция қилиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Мажмуа Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Марказий Осиёдаги DIPЕCHO VII табиий офатларга тайёргарликни таъминлаш дастури доирасида ташкил этилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТ, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси, Гуманитар ёрдам ва фуқаро муҳофазаси бўйича Европа комиссияси (ЕСНО), Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт бан-

ки вакиллари иштирок этди.

Табиий тусдаги фавқулодда ҳолатларга тайёр туриш долзарб масаладир. Бундай таҳдидларга қарши туриш мақсадида 2011 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш Комплекси Дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолини тезкорлик билан ҳаракат қилдириш, бундай офатлардан оғоҳлантириш ва унга тай-

ёрлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги мажмуада зилзилалар туфайли вайрон бўлган биноларнинг макетлари жойлаштирилган зал мавжуд. Шунингдек, бу ерда зилзилалар музейи, ер силкинишига ўхшаш ҳолатни юзага келтирадиган махсус ўқув тренажери билан таъминланган бино, табиий ҳонаси бор.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда амалда бўлган аҳолини зилзилалар рўй берганда ҳаракатланишга тайёрлаш, ер силкинишини прогноз ва мониторинг қилиш бўйича комплекс дастур, гидротехник иншоотлар ва турар жойларнинг сейсмик барқарорлигини баҳолаш жараёни билан таништирилди.

Ўз мухбиримиз

\* РЕКЛАМА ЎРНИДА \* РЕКЛАМА ЎРНИДА \* РЕКЛАМА ЎРНИДА \* РЕКЛАМА ЎРНИДА \* РЕКЛАМА ЎРНИДА \* РЕКЛАМА ЎРНИДА \* РЕКЛАМА ЎРНИДА \*



## AGROBANK

Айтиш жоизки, мамлакатимизнинг иқтисодий томондан юксалиши молия муассасалари тизимида олиб борилаётган амалий ишларда яққол намоён бўлмоқда.

"Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили амалда ўз тасдиғини топиб, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланиб, истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, мазкур ислохотлар самараси сабаб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалиб, тадбиркор-ишбилармонларимиз, деҳқон-фермерларимизнинг фаолияти такомиллашмоқда, юртимиз иқтисодиёти ҳам молиявий томондан барқарорлашмоқда. Бу жараёнда республикамизнинг нуфузли банкларидан бири "Агробанк" АТБнинг ҳам муносиб ўрни бор, албатта.

Бугунги кунда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. "Агробанк" АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси давр талабларидан келиб чиқиб, мижозларга кўрсатилётган хизмат сифати ва маданиятини оширишга эришяпти. Банк бошқармаси ва филиаллари томонидан 2014 йил давомида ишбилармон-тадбиркор-у фермер-деҳқонларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 125 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди. Бунинг самараси ўлароқ ҳудудларда янги иш ўринлари яратилганлиги фикримиз тасдиқлидир. Ана шундай кенг қўламадаги ижобий саъй-ҳаракатлар



натижасида халқимиз турмуш фаровонлиги юксалмоқда, замонавий қўлайликлар яратилмоқда. Бунинг натижасида эртанги кунга бўлган ишонч янада ойдинлашмоқда. Жойларда бир-биридан замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, машиини хизмат кўрсатиш шохоб-чалари фойдаланишга топширилиб, аҳолига қўлайлик яратмоқда.

— Бугун давлатимиз томонидан тадбиркорларга жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бундан унумли фойдала-

ниб, моддий жиҳатдан фаровонликка эришяётган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади, — дейди Шуманай туманидаги "Инвест Сервис Шоманай" хусусий корхонаси раҳбари Руслан Жарилкасинов. — Тадбиркорликни бошлаш албатта, ўз-ўзидан бўлмади. Моддий томондан кўмак билан бирга мукамал истиқболли бизнес лойиҳа ҳам талаб этилади. Бу борада юртимизда тадбиркор-ишбилармонлар учун ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш

бўйича кенг қўлайликлар яратилган. Мен "Агробанк" жамоасидан миннатдорман. Айнан бизнесимни ҳаётга татбиқ этиш-ида, мазкур банк кредит маблағларидан фойдаландим. Банка такдим этган бизнес лойиҳам ижобий баҳолашиб, лойиҳамга асосан полипропилен қоғлари тайёрлашга ихтисослашган янги цехни фойдаланишга топширишим учун 274 млн. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Бунинг ҳисобига 23 та янги иш ўрни яратиб, коллеж битирувчиларидан 4 нафарининг бандлигини таъминладим.

— Истиқлол шарофати билан тадбиркорларимизга давлатимиз томонидан улкан ғам-хўрлик ва эътибор кўрсатилмоқда, — дейди "Сухроб-Зохид" хусусий корхонаси раҳбари Музаффар Эгамбердиев. — Жумладан, тадбиркорликка жалб этиш, уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш борасида кенг саъй-ҳаракатдаги амалий натижалар ҳаётда ўзифодасини топмоқда. Ана шундай кўмақдан мен ҳам самарали фойдаланиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим. "Агробанк" АТБнинг Бўстон филиалидан гигиеник қоғоз, руберо-

ид ва полиэтилен труба ишлаб чиқариш ҳамда тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 150 млн. сўм миқдорда кредит маблағи олдим. Кредит ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришдим. Натижада туманимиз аҳолисининг 24 нафари доимий иш жойига эга бўлди. Улардан 4 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Келгусида ишлаб чиқариш фаолиятимизни кенгайтириб, янги иш ўринлари ташкил этишни ҳам мақсад қилганмиз.

Мухтасар қилиб айтганда, банклар билан мижозлар ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. "Агробанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси жамоаси ҳам ўз фаолиятида илгор тажрибаларни қўллаб, ишбилармон-тадбиркор-у фермер-деҳқонларимизнинг бизнес лойиҳаларини молиявий томондан қўллаб-қувватлаб, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ва шу орқали юртимиз иқтисодиётининг тараққий этишига муносиб ҳисса қўишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Хизматлар лицензияланган

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия подполковниги Абдусодиқ Абиловга волидаи муҳтарамаси

Жунар АБИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси Мўйноқ туман прокуратураси терговчиси Абай Узақбаевага акаси

Мендйбай УЗАҚБАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Австралида ўтаётган Осиё кубоги мусобақалари Ўзбекистон миллий терма жамоаси учун муваффақиятли бошланди. Миржалол Қосимов шогирдлари гуруҳдаги дастлабки ўйинни Шимолия Корея терма жамоасига қарши ўтказиб, якунда минимал ҳисобда ғалаба қозонишди.

# Ғалаба билан бошланди, аммо...



Бундай мусобақаларнинг илк учрашуви ҳар бир жамоа учун осон кечмайди. Бу пайтда жамоалар асосий эътиборни эҳтиёткорликка қаратишади. Миржалол Қосимов ҳам мусобақа стартини ўта эҳтиёткорлик билан бошлагани маъқул кўрди. Буни терма жамоамизнинг майдонга туширилган футболчиларидан ҳам билсак бўлади. Терма жамоамиз бош мураббий тажрибали футболчиларга ишонч билдириб, ёшлардан биргина Игор Сергеевни таркибга киритди.

Бевосита ўйинга тўхталадиган бўлса-да, учрашув олдиндан кутилган "сценарий" асосида кечди — вакилларимиз майдонда устунлики кўлга олиб, ҳужумга эътибор қаратди, рақиблар эса ҳимояланиб, қарши ҳужумлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишди.


Биринчи бўлимда Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўпга эгалик қилишда катта устунликка эга бўлган бўлса-да, бир марта Тимур Кападезининг бош билан берган зарбаси дарвоза устунига тегиб қайтганини инobatга олмаганда, гол уриш учун қулай вазият деярли яратилмади ҳисоб.

Иккинчи бўлимда ёмғир шаррос куя бошлади. Бу ҳолат терма жамоамизнинг комбинацион ўйинга салбий таъсир қўрсата бошлади. Шу сабабли Шимолий ко-

реялик футболчилар анча фаоллашиб қолишди. Миржалол Қосимов шогирдлари эса бироз муддат ҳимояга қайтиб, аста-секин яна майдондаги устунлики кўлга олишди ва рақиб дарвозаси томон бирин-кетин хавфли ҳужумлар уюштира бошлашди. Мана шундай ҳужумлардан бири ўйиннинг 63-дақиқасида ўз самарасини берди. Терма жамоамиз сардори Сервер Желаров чап қанотдан олдинга ўтиб борди ва тўпни хаволатиб Игорь Сергеев томон оширди. Ёш ҳужумчимиз эса боши билан аjoyиб зарба бериб, ҳисобни очди.

Гол урилганидан кейин вазиятни ўнглаш учун олдинга интилган Шимолия Корея терма жамоасининг ҳимояси заифлашиб қолди. Ўз навбатида терма жамоамиз футболчиларида ҳисобни ошириш учун қулай имкониятлар юзга кела бошлади. Айниқса, майдонга Сардор Рашидовнинг туширилиши рақибларни янада шошириб қўйди. Айнан унинг фаоллиги тўғрисида Игор Сергеев "дубл"га эришиши мумкин эди. Бироқ ҳужумчимизнинг зарбаси ноаниқ чикди. Шундан кейин ҳам Миржалол Қосимов шогирдларида рақиб дарвозасини ишғол қилиш учун кўплаб вазиятлар юзга келди. Аммо футболчиларимиз қулай имкониятлардан унумли фойдалана олишмади. Бу эса якунда жамоамиз учун қимматга тушиши мумкин эди. Учрашувнинг асосий вақтига қўшиб берилган дақиқаларнинг сўнгги сониялари ўтиб бораётганида Шимолий корейлик футболчи бурчакдан етказилган тўпни боши билан дарвозамиз томон йўлади. Игнатий Нестеровнинг маҳоратига жамоамизни муқаррар голдан асраб қолди. Шу тариқа терма жамоамиз дастлабки ўйинда муҳим ғалабани кўлга киритди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда эса терма жамоамиз хитойликларга 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб, кейинги босқич масаласини жуда оғирлаштиришди. Энди барчасини Саудия Арабистонига қарши кечадиган сўнгги ўйин ҳал қилади. Миржалол Қосимов шогирдлари ғалаба қозонсаларгина гуруҳдан чиқиши мумкин.



# Роналдуда «хет-трик»

Футболни яхши тушуналган одам борки, спортнинг бу турида қўлланиладиган «хет-трик» атамаси маъносини яхши тушунади. Бу атама бир ўйинда бир футболчи томонидан рақиб дарвозаси уч бора ишғол қилганига қўлланилади. Португалия терма жамоаси ва Мадриднинг "Реал" клуби ҳужумчиси Кристиану Роналду бу сафар голлари билан эмас, совринлари билан «хет-трик»га эришди. У учинчи бор спортнинг футбол турнагаги энг олий соврин — "Олтин тўп"ни кўлга киритди.

Жорий йилнинг 12 январь окшомида Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ФИФАнинг йиллик тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда "Олтин тўп" совринидан ташқари, "Дунёнинг энг яхши аёл футболчиси", "Йилнинг энг яхши мураббийи", "Йилнинг энг яхши аёллар жамоаси мураббийи", "Фэйр плей", "Ференц Пушкаш" соврини, ФИФА президенти соврини ўз эгаларига топширилди ҳамда FIFPRO раамзий терма жамоаси ҳам аниқланди.

Дастлаб йилнинг раамзий терма жамоаси аниқланди. Дарвозабон: Мануэль Нойер

Ҳимоячилар: Серхио Рамос, Филипп Лам, Тьяго Силва ва Давид Луиз.

Ярим ҳимоячилар: Тони Кроос, Анхел Ди Мария ва Андрес Иньеста.

Ҳужумчилар: Лионель Месси, Кристиану Роналду ва Арьен Роббен.

Шундан сўнг ФИФА президенти мукофоти Йозеф Блаттер томонидан топширилди. Бу мукофот Блаттернинг ўзи томонидан таъсис этилган бўлиб, бу сафар Япония футболчи ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун япониялик журналист Хиодоши Кагава мазкур совринга муносиб деб топилди. 90 ёшли собиқ футболчи журналистика соҳасига ўтгач, деярли барча мундиалларда иштирок этиб, машҳур футболчилар билан интервью ташкил қилган экан. Шундай мукофотга журналистнинг лойиқ кўрилиши биз каби шу соҳанинг эстагити тутган инсонларни қувонтирмай қолмади, албатта.

"Йилнинг энг яхши аёллар жамоаси мураббийи" номинациясида Германиянинг "Вольфсбург" клуби аёллар жамоаси

бош мураббийи Ральф Келлерман голиб чикди. Йилнинг энг яхши эркак мураббийлиги эса ўтган йили Бразилия давлатида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида шогирдлари билан бош совринни кўлга киритган Йоахим Лёвга насиб қилди.

Маросимнинг қутилмаган "совга"си ҳалол ўйин учун бериладиган "Фэйр плей" совринини топшириш жараёнида юз берди. Бу борада ФИФА мутлақо ўзгача қарорга кўл урди. Бу соврин аввалгидек бирор ташкилот ёки футбол федерациясига эмас, балки Бразилияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ташкилотчилигига ёрдам берган волонтерлар-кўнгиллиларга берилди.

Шундан сўнг маросимда йилнинг энг чиройли голи соҳибни аниқлаиб, Колумбия терма жамоаси ва "Реал" клуби ярим ҳимоячиси Жамес Родригес жаҳон чемпионатида Уругвай терма жамоасига урган голи учун бу совринга муносиб кўрилди.

"Йилнинг энг яхши аёл футболчиси" номинациясида Германиянинг "Вольфсбург" клуби футболчиси Надин Кесслер голиб чикди. Клуб учун 2014 йил жуда муваффақиятли келди. Йилнинг энг яхши аёллар жамоаси мураббийи деган эътирофга сазовор бўлган Ральф Келлерман шогирдининг муваффақиятидан ўзини тугтиб туролмай, бироз кўз ёши ҳам қилиб олди. Дарҳақиқат, футбол шунчаки майдонга чиқиб, бир тўпнинг ортидан 22 киши югуриб юрадиган ўйин эмас. Футбол бир-бирига бегона одамларни бир оилага жипслаштирадиган, дўст-

дугона, ота-бола сифатида бириктирадиган спорт туридир.

Одатдагидай маросимнинг кульминациясида йилнинг энг яхши футболчиси — "Олтин тўп" соҳибни аниқланди. Бу йил ҳам Португалия терма жамоаси ва "Реал" клуби ҳужумчиси Кристиану Роналду рақобатчиларини ортда қолдириб, ўз фаолиятида учинчи марта "Олтин тўп" унвонига сазовор бўлди. Эслатиб ўтамиз, бу футболчи муқаддам 2008 ва 2013 йилларда ҳам шундай эътирофга сазовор бўлган эди. Шу тариқа Роналду нуфузли совринни 3 марта кўлга киритган турчин футболчига айланди.

Шуни қайд этиш керакки, Мишель Платини (1983-1985 йилларда), Йоахан Кройфф ("Аякс" — 1971, "Барселона" — 1973, 1974 йилларда) ва Марко ван Бастен ("Милан" — 1988, 1989, 1992 йиллар) ҳам 3 марта дунёнинг энг яхши футболчиси номини кўлга киритишган. Ҳозирча фақатгина Лионель Месси "Олтин тўп"ни 4 марта кўлга киритган (2009-2012 йилларда).

Кристиану Роналду ўз таассуротлари билан ўртоқлашди: "Ушбу кун мен учун унутилмас бўлди. Бундай совринни кўлга киритиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу менга янада илҳом беради ҳамда яна кўплаб жамоавий ва индивидуал совринларни кўлга киритишга ҳаракат қиламан. "Олтин тўп"ни оилам, онам, ака-укаларим ва отамга бағишлайман. Шунингдек, бу барча португалияликларнинг соврини олдирди."

"Олтин тўп"ни 3 марта кўлга киритаман, деб ҳечам ўйламаганим, лекин бу билан тўхтаб қолмакчи эмасман. Мессидан ўтиб кетишни истайман. Бунга фақат тинимсиз меҳнат орқали эришиш мумкин. Ушбу совринни "Реал" муҳлислари ҳам бағишлайман. Биз ҳамиса Чемпионлар лигасини ўнинчи марта кўлга киритишни истагандик", — дейди Роналду.

Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади



**Huquq**  
yuridik gazeta

**Muassis:**  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:**  
Jahongir Jur'atovich MAKSUMOV

**Tahrir hay'ati:**  
Hakimboy HALIMOV  
Muxtor ZOIROV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85  
E-mail:  
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
□ — tijorat materiali.  
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
231

Buyurtma S-1862, 47 154 nusxada bosildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: M. DUSIYAROVA  
Sahifalovchi: S. BABAJONOV  
Navbatchi: O. DEHQONOV  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuoti va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda O'198-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
ISSN 2010-7617  
9 772010 761004